O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2021 - yil 25 - sentabr 291-6-84-Q/21 Pop tuman hokimligi

Поп тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати Қоидалари” талабларига асосан Поп тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили 1-иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга руҳсат берилсин.

2. Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи С.Абдуллаев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ж.Гопировга туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор “Поп тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Tuman hokimi **Султанов А.М.**

Поп туман ҳокимининг
2021 йил 25 сентябрдаги
291-6-84-Q/21-сон қарорига
1-илова

Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили

РЎЙХАТИ

№	Йўл белгиси ўрнатилган йўл номи	Йўл белгисини номи
1.	4Р-125 “Ғурумсарой-Хонобод-Чодак-Гулистон” автомобиль йўлининг 30-31 км оралиғида йўл белгиси ўрнатиш	3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси